

## **IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ**

2017 йил январь–декабрида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 2 377,4 млрд. сўмни (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми – 0,5 миллиард АҚШ долларини) ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиши суръати 96,2 фоизни ташкил қилди.


### **Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (2017 йил январь–декабрь)**

	млрд.сўм	ўсиши суръати, %	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>2 377,4</b>	<b>96,2</b>	<b>100,0</b>
<i>ишу жумладан</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>330,0</b>	<b>67,7</b>	<b>13,9</b>
бюджет маблағлари	198,9	82,8	8,4
бюджетдан ташқари фонdlар	96,9	61,2	4,0
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	34,2	46,5	1,4
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>2 047,4</b>	<b>103,2</b>	<b>86,1</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	861,6	120,2	36,2
аҳоли маблағлари	615,9	91,7	25,9
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	157,6	81,0	6,6
тижорат банк кредитлари ва бошқа карз маблағлари	412,3	103,8	17,3


Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Фарғона вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва  
марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари**  
(фоиз ҳисобида)

**2016 й.**



**2017 й.**



**2017 йил январь-декабрда асосий капиталга инвестицияларнинг  
технологик таркиби**


	Жами	шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:	
		давлат	нодавлат
<b>Жами инвестициялар, млрд.сўм</b>	<b>2 377,4</b>	<b>360,2</b>	<b>2 017,2</b>
<i>шу жумладан молиялаштириши манбалари бўйича:</i>			
давлат бюджети маблағлари	198,9	129,1	69,8
давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	88,6	81,7	6,9
корхоналар ва аҳоли маблағлари	1 477,5	105,7	1371,8
чет эл инвестициялари ва кредитлари	191,8	34,2	157,6
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	412,3	1,5	410,8
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	8,3	8,3	0,0

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича  
асосий капиталга кирилган инвестициялар**

	<i>Январь–декабрь</i>			
	2016 й.	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	2017 й.	умумий ҳажмга нисбатан фоизда
<b>Жами, млрд.сўм</b>	<b>2 184,9</b>	<b>100,0</b>	<b>2 377,4</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	148,7	6,8	189,1	8,0
тоғ–кон саноати	9,0	0,4	6,2	0,3
ишлаб чиқариш саноати	350,7	16,0	388,6	16,3
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	40,0	1,8	68,3	2,9
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йигиши ва утилизация қилиш	35,6	1,6	52,5	2,2
қурилиш	233,0	10,6	184,1	7,7
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	153,1	7,0	154,6	6,5
ташиш ва сақлаш	153,7	7,0	153,2	6,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	37,8	1,7	30,0	1,3
ахборот ва алоқа	17,1	0,7	107,2	4,5
молиявий ва суғурта фаолияти	16,8	0,7	26,6	1,1
профессионал, илмий ва техник фаолият	28,0	1,2	13,0	0,5
таълим	84,5	3,8	55,3	2,3
соғлиқни саклаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	85,8	3,9	83,8	3,5
Бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: тураг – жой бинолари қурилишига инвестициялар	790,3	30,9	736,9	31,0
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	27,0	1,2	26,8	1,1
бошқа фаолият турлари	88,5	4,0	101,2	4,4

Иқтисодий фаолият турлари бўйича тоғ-кон саноатида – 6,2 млрд. сўм (жами инвестициялар хажмида 0,3 фоиз), шундан хом нефть ва табиий газ қазиб олиш – 0,5 млрд. сўм (0,02 фоиз), ишлаб чиқариш саноатида – 388,6 млрд. сўм, (16,3 фоиз) шундан озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари – 31,5 млрд. сўм (1,3 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим – 40,4 млрд. сўм (1,7 фоиз), кимё маҳсулотлари – 73,0 млрд. сўм (3,1 фоиз), нометалл минерал маҳсулотлар – 115,4 млрд. сўм (4,9 фоиз), металлургия – 0,5 млрд. сўм (0,02 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 68,3 млрд. сўм (2,9 фоиз), қурилиш – 184,3 млрд. сўм (7,7 фоиз), ташиш ва сақлаш – 153,2 млрд. сўм (6,5 фоиз), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш – 154,6 млрд. сўм (6,5 фоиз), ахборот ва алока – 107,2 млрд. сўм (4,5 фоиз), профессионал, илмий ва техник фаолият – 13,1 млрд. сўм (0,5 фоиз), таълим – 55,3 млрд. сўм (2,3 фоиз), бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар жой бинолари қурилишига – 736,9 млрд. сўмлик (31,0 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди.

### Киритилган инвестицияларда катта улушга эга бўлган соҳалар (январь-декабрь ҳолатига, фоизда)



## Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар.

2017 йил январь–декабрида асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 191,8 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 71,6 фоизни ташкил қилди.

### Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг таркиби (2017 йилнинг январь–декабрида)

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	
		давлат кафолати остида	тўғридан-тўғри ва бошқалар


Жами асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар	<b>191,8</b>	<b>17,8</b>	<b>82,2</b>
---	--------------	-------------	-------------

шу жумладан:

давлат	34,2	100,0	0,0
нодавлат	157,6	0,0	100,0

Ҳисобот даврида Фарғона вилоят бўйича тўғридан – тўғри хорижий инветиция ва кредитларнинг, жами хорижий инвестиция ва кредитлардаги нодавлат секторига киритилган улуши 82,2 фоизни ташкил қилди.

### Хорижий инвестиция ва кредитларнинг алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (умумий ҳажмга нисбатан, фоизда)



Хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши хом нефть ва табиий газ қазиб олишга тўғри келиб, жами инвестиция хажмида – 52,4 фоизни ташкил қилди ва 2016 йилнинг январь–декабрига нисбатан 7 мартаға ўсди.

Шу билан бирга, қўйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилиши камайганлиги кузатилди: ишлаб чиқариш саноатида – 29,5 фоизга, (2016 йилнинг мос даврига нисбатан 31,5 фоиз), қурилишда – 19,3 фоизга (5,9 фоиз) ва тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим ишлаб чиқаришда – 40,3 фоизга (41,3 фоиз).

### **Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

Уй–жой қурилишида 717,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки жами инвестициялар хажмининг 30,2 фоизини ташкил қилди.

#### **2017 йилнинг январь–декабрида янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан фойдаланишга топширилган турар–жой ва ижтимоий соҳа объектлари**

	<i>Барча манбалар ҳисобидан</i>			
	<i>фойдаланишга топширилди</i>		<i>2016 йил январь–декабрига нисбатан фоизда</i>	
	<i>жами</i>	<i>шу жумладан қишлоқ жойларда</i>	<i>жами</i>	<i>шу жумладан қишлоқ жойларда</i>
<b>Уй–жой, умумий майдони минг.кв.м</b>	<b>771,8</b>	<b>635,8</b>	<b>731,7</b>	<b>544,6</b>
ундан:				
якка тартибдаги уй–жойлар	607,8	496,2	584,4	397,3
якка тартибдаги уй–жойлар намунавий лойиҳалар бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларда	164,0	139,6	147,3	147,3
Касалхоналар, ётөқ ўрни	135	-	-	-
Умумий таълим ва маҳсус мактаблар, ўқувчилар ўрни	5 602	3 106	7005	2610
Сув тармоқлари, км	279,7	244,8	324,0	224,5
Газ тармоқлари, км	32,4	4,3	79,4	43,4

2017 йил январь–декабрида умумий майдони 771,8 минг кв.м. бўлган 8,7 мингта уй ёки 8,7 мингта квартира (2016 йилнинг январь–декабрига нисбатан 105,5 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 635,8 минг кв.м. (116,7 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилишда 279,7 км сув тармоқлари (244,8 км қишлоқ жойларда) ва 32,4 км газ тармоқлари (4,3 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, мос равища 2016 йил январь–декабрига нисбатан 86,3 ва 40,8 фоизни, қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич сув тармоқларида 109,0 фоизни, газ тармоқларида 9,9 фоизни ташкил қилди.

Касалхоналар, амбулатория – поликлиника муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари янги қурилиш ва капитал реконструкция ҳисобига 36,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва бу соғлиқни саклаш соҳасида ўзлаштирилган инвестицияларнинг 43,7 фоизини ташкил қилди.

Олий таълим муассасалари, лицей ва касб–хунар коллежларини қуриш ва капитал реконструкция ҳисобига 4,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва бу таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 7,6 фоизини ташкил қилди.

Таълим жараёнини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора–тадбирлар доирасида умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва капитал реконструкция ҳисобига 18,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 32,9 фоизини ташкил қилди.

Сув тармоқлари қурилишига 28,6 млрд. сўм, шундан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 13,5 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг (47,2 фоизи), ахоли маблағлари ҳисобидан 15,1 млрд. сўм (52,8 фоизи) ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 1,1 млрд. сўм, шундан ахоли маблағлари ҳисобидан 1,1 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг 100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

### Қурилиш фаолияти

2017 йил январь–декабрида 2 187,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2016 йилнинг январь–декабрига нисбатан 105,9 фоизни ташкил этди.

#### Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби


	январь–декабрь	
	2016 й.	2017 й.

Қурилиш ишлари, млрд. сўм	1 840,0	2 187,6
---------------------------	---------	---------

шу жумладан:

давлат	4,3	3,0
нодавлат	95,7	97,0

## Қурилиш ишларини мулкчилик шакллари бўйича кўриниши (фоиз ҳисобида)



Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 2 121,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 97,0 фоизини ташкил қилди.

Ҳисобот даврида Фарғона вилояти бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми 2 187,6 млрд. сўмни, ундан нодавлат секторининг улуши 97,0 фоизни ташкил қилиб, бу кўрсаткич Кўқон шахрида 4,0 фоизни (2016 йилнинг мос даврига нисбатан 0,7 фоизга кўпайди), Ўзбекистон туманида – 0,2 фоиз (0,01 фоизга), Ёзёвон туманида 0,6 фоизни (0,06 фоизга) ташкил қилди.

Шу билан бирга Фарғона шахрида 0,4 фоизни (2016 йилнинг мос даврига нисбатан 0,5 фоизга) ва Дангара тумани 0,2 фоизни (0,3 фоизга) камайгани кузатилди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 76,2 фоизи янги қурилиш, реконструкция килиш, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуроллантиришга, 23,8 фоизи эса капитал, жорий таъмирлашга ва бошқа қурилиш пудрат ишларига тўғри келди.